

## **“ҚАДАҲ СЎЗИ” НУТҚИЙ ЖАНРИНИНГ ЛИНГВИСТИК АТТРИБУТИ - ЭТНИК ОМИЛ СИФАТИДА**

*Анорбоева Маҳбубаҳон Собировна.*

*Андижон давлат чет тиллар институти Инглиз тили ўқитишининг  
интеграллашган курси кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация.** Дунё тилишунослигида ўтган асрнинг 50-йилларидан тилнинг коммуникатив функциясини ўрганишига, бунда нутқий ҳодисаларнинг, хусусан, нутқий жанрларнинг ҳам лингвистик хусусиятларини тадқиқ қилишига эътибор кучайди. Тил тизимида нутқий жанр яхлит нутқий бутунлик сифатида намоён бўлиб, унда нутқий мақсад, композиция ва услуб ҳамоҳанглиги кузатилади. Ҳозиргача бўлган нутқий жанрларга оид тадқиқотлар шуни кўрсатадики, турли тизимли тиллардаги нутқий жанрлар вербал, нолвербал ва лингвистик атрибуслар воситасида ифодаланиб, ушбу лингвистик воситалардаги лингвистик шакллар муайян ижтимоий жамиятнинг миллий қадриятлари, қарашлари, удумлари ва тарихини ўзида акс эттириб, муайян жамиятнинг ижтимоий даврий хусусиятлари билан боғлиқ шаклланади.

**Калим сўзлар:** илоҳий ичимлик, лингвистик, атрибут, шароб, май, этник омил, лингвистик восита, вино, қимиз, бўза, қадаҳ, мусаллас.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан тилимизнинг ўзига хос миллий хусусиятларини ёритишга эътибор қаратилди. Тилнинг бундай хусусияти айниқса, қиёсий тилшунослик асосида ўрганганда намоён бўлади. Лекин шу кунга қадар ўзбек тилини нутқий жанрлар назарияси асосида таҳлил қилиш усули билан ўрганишига жиддий эътибор қаратилгани йўқ.

Тўплаб ўрганилган илмий материаллар шуни қўрсатадики, қадаҳ сўзи нутқий жанрида қадаҳ ва унинг ичидаги мусаллас, яъни шароб даврларо ва диний эътиқодларо асосий лингвистик атрибут сифатида илоҳий тушунчадан ижтимоий базмий тушунчага айланиш жараёнларида турли даврларда турли ҳалқларнинг турлича қарашлари, яшаш шароитлари, эътиқод тизимлари кабиларга гувоҳ бўлган. Ушбу жиҳатларига кўра қадаҳ сўзи нутқий жанрини ҳалқнинг тарихий, ижтимоий, даврий хусусиятларидан дарак берувчи нутқий жанр сифатида баҳолаш мумкин.

Шаробнинг динлараро ва даврлараро мазмунларида, хусусан, христиан, ислом, яхудий каби динларда ва юонон-грек мифологиясида илоҳий ичимлик сифатида намоён бўлишилиги, диний ибодат мақсадларида қўлланишилиги ушбу дин ва мифологик қарашларнинг умумий қирралари мавжудлигини ва шароб лингвистик атрибутилининг универсал лингвистик атрибут сифатида белгилашга асос бўлади. Демак, шароб турли эътиқодлар учун ҳам диний жиҳатдан умумийлик ҳосил қилувчи универсал лингвистик атрибутдир. Шу билан бир қаторда, шаробнинг турли эътиқодларга хосланганлик белгилари ҳам мавжуд. Шароб, юонон ва грек анъаналарида мифологик характер касб этиб, шаробнинг юононистонликлар диний тафаккурида Худога қурбонликлар ва назр-ниёз орқали миннатдорчилик билдириш, шукроналик келтириш, айниқса, ўз муроду мақсадларига, тилакларига эришиш мақсадида қурбонликлар эвазига худо (турли илоҳлар, маъбудалар) билан мулоқотга киришиш жараёни назарда тутилади. Аникроғи, Худога қурбонлик қилиш жараёнида Худо билан гаплашиш, бунда сўзловчиларнинг тилак мақсадларига етишиш асосий ўринни эгаллайди. Шароб қадимги даврларда муқаддас таомларни истеъмол қилиш орқали Худо билан алоқани бевосита таъминловчи ўзига хос диний восита ҳисобланилган, шу билан бирга, қадаҳдаги шароб қолган барча овқатларни муқаддаслаштирувчи илоҳий восита мазмунида ҳам тушунилган. Шаробнинг христиан динида Исо пайғамбар қонининг илоҳий рамзи бўлиб тушунилиши, ислом динида эса ўлимдан кейинги ҳаётда шароб самовий ичимлик сифатида жаннат

кишиларига тақдим қилиниши ушбу диний таълимотларнинг ўзига хос диний анъаналари ва қарашлари мавжудлигини кўрсатади.

Динларо шаробнинг рамзий маъноларини ҳаёт, яъни фоний дунёдаги ҳаёт ва ўлимдан кейинги ҳаёт, боқий дунёдаги ҳаёт даврий кўрсаткичлар билан шартли равишда чегаралаш ва белгилаш мумкин. Ушбу кўрсаткичларга кўра, шароб ислом динида ўлимдан кейинги ҳаётда жаннат тухфаси сифатида тақдим қилинувчи самовий ичимлик, христиан, яхудий каби динлар ва юонон мифологиясида эса ўлимдан кейинги ҳаётда эмас, балки фоний дунёда Худо билан мулоқотга киришиш билан боғлиқ илоҳий ичимлик сифатида намоён бўлади.

Шароб универсал лингвистик атрибут сифатида ҳалқнинг муайян даврда ижтимоий ҳаётидан дарак берувчи лингвистик восита ҳамdir. Шароб орқали яна шуни англаш мумкинки, қадимда ушбу ҳалқнинг у ёки бу сабабларга кўра чорвачилик ва деҳқончилик, яъни донли экинлар билан шуғулланганликлари ҳакида ҳам лингвистик хабар ётади. Бунда бир тарафдан, ҳалқнинг кўчманчиликдан ўтрок ҳаётга ўтиш ва деҳқончилик билан шуғулланишни, иккинчи тарафдан, ҳалқларнинг табиий географик ва иқлим шароитидан келиб чиқиб чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганликларини, қолаверса, ҳалқларнинг маънавий маданияти ва миллий руҳияти хусусиятларининг шаклланишида чорвачилик ва деҳқончилик фаолиятининг таъсири кабилар акс этади. Демак, шароб тилнинг лингвистик атрибути сифатида этник омил ҳамdir. Худди шу ўринда таъкидлаш керакки, этнографияда тил нафақат этник омил, балки этник белги<sup>1</sup> эканлиги ҳакида илмий назарий фикрлар шароб лингвистик атрибути ёрдамида ҳам ўз исботини топади.

Шароб ўрта асрларда ижтимоий жамият ҳаётидаги хурсандчиликларининг намунаси сифатида воқеъланар экан, инглиз ҳалқларида вино, ўзбек ҳалқларида қимиз, кейинчалик бўза каби маҳсус

---

<sup>1</sup> А.Аскаров. Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиши тарихи. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2015 й. 18 бет

[www.pedagoglar.org](http://www.pedagoglar.org)

8-to'plam 2-son iyun 2024

истеъмол атрибутларида ўз ифодасини топган. Айниқса, шаробнинг удум, маросим кўринишда амалга оширилишида ҳам умумийликни кузатиш мумкин.

Ўзбек тилида қадаҳ сўзи ичиш алоҳида маросим сифатида даврлар мобайнида ибодат маросими, чорвачилик ва дехқончилик даврларида *ясанюсун, чоғир мажслиси, ичқилик мажслиси, алёр* деб ҳам номланган.

Қадаҳга узум суви, мусаллас, соқий, шароб, аччиқсув, бўза, қимиз, сув кабилар қуишлиб ичилган.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, бутун Европа бўйлаб оммалашган шароб лингвистик атрибути ёрдамида воқеъланувчи қадаҳ сўзи нутқий жанри Англияда ҳам ўзига хос тарзда ривожланди.

Изоҳли луғатларда этимологик келиб чиқиши инглиз маданияти билан чамбарчас боғланувчи шароб лингвистик атрибути, бир тарафдан, инглиз халқининг кўнгилочар, вақтини чоғ ўтказувчи ва мусаллас ичимликни хуш кўрувчи ҳалқ эканлигидан дарак берса, иккинчи тарафдан, қадаҳ нутқининг ҳозирги кунгача сақланиб қолишига сабабчи ижтимоий жамият ҳамдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Архипова. Е.М. Тост как первичный речевой жанр в современной концепции научного знания. Научная мысль Кавказа 2010 № 3, с 151-155;
2. Аскаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2015 й. 157 бет-171бетлар
3. Базарова. М. Ўзбек тилидаги ижобий истак мазмунини ифодаловчи нутқий бирликларнинг лисоний хусусиятлари (дуолар ва нутқий этикетлар мисолида). Фил.ф.ном. диссертацияси. Т., 2007, 129 бет
4. Бейнинсон Е. Г Лингвокультурные характеристики тоста как фольклорного жанра и компонента ритуального дискурса., // Проблемы лингвистики и коммуникации. Научный вестник ЮИМ №4` 2014, с 37-39;

5. Вежбицкая. А. Речевые жанры//Социальная психолингвистика: хрестоматия. М.: Лабиринт, 2007, с 237-249
6. Глушкова. Т.С Винопития как фрагмент русской языковой картина мира: на материале паремий, анекдотов, тостов, текстов СМИ и рекламы. Дис-я канд.фил.наук, Омск, 2009, 216 с; Жабборов. И Ўзбеклар. Анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси таҳририяти, Тошкент, 2008, 111 бет-1574 бет-( 240 б). Бетлар
7. Khasanova, F. M. (2023). Sociolinguistic features of the speech genre of prayer in the uzbek language. *International Journal Of Literature And Languages*, 3(02), 57-62.
8. Мирмухсин. Илдизлар ва Япроклар. 124//<sup>1</sup> Қадаҳ Мирмухсин. Илдизлар ва Япроклар, 275 бет
9. Норқўзиев. С. Аҳлоқнинг асосий меъёрлари. Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси таҳририяти, Тошкент, 2019, 49,50,244-бетлар
10. Улугбек Султон. Ризқ ҳақида рисола. Т., Сано стандарт нашриёти, 2017, 67-бет
11. Усмонхон Алимов. Суннат ва Ҳадис. Т., Моварауннаҳр, 2019, 33-б
12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2000, 134-139 – б, 314 б
13. Қодиров. П. Юлдузли тунлар, стр 210-214б, 261б
14. Гусаренько. М.К.Дискурсивные разновидности, перлокуттивная прагматика и пропозициональные характеристики речевого акта пожелания в современном русском языке. Дисс. ... канд.филол.наук. Ставрополь, 2005, с 96.

## **ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР**

1. <https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Alyor>
2. [Microsoft Word - kr\\_yulduzli\\_tunlar\\_ziyouz\\_com.doc](Microsoft Word - kr_yulduzli_tunlar_ziyouz_com.doc)
3. [Хадис ва Ҳаёт 16/17-жузлари \(MP3\) «Таом, шароб ва либос» \(islom.uz\)](Хадис ва Ҳаёт 16/17-жузлари (MP3) «Таом, шароб ва либос» (islom.uz))
4. [Mirmuhsin\\_Ildizlar\\_va\\_yaproqlar\(1989\).pdf](Mirmuhsin_Ildizlar_va_yaproqlar(1989).pdf)